

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБАНБАЕВА АСЕЛЬ ЖУМАБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ  
САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШГА ЎРГАТИШ АНЪАНАЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Курбанбаева Асель Жумабаевна**

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга  
ўргатиш анъаналари ..... 3

**Курбанбаева Асель Жумабаевна**

Традиции обучения здоровьесбережению молодежи в каракалпакской  
народной педагогике ..... 25

**Kurbanbaeva Asel Jumabaevna**

Traditions of teaching youth healthin Karakalpak folk pedagogy..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 51**

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБАНБАЕВА АСЕЛЬ ЖУМАБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ  
САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШГА ЎРГАТИШ АНЪАНАЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2173 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нукус давлат педагогик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nukdpi.uz](http://www.nukdpi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алеуов Усербай**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юзликаев Фарит Рафаилович**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Сапаров Турдыбай Толыбаевич**

педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси, р/уй. Тел.: (+99861) 229-40-75; факс: (+99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси, р/уй. Тел.: (+99861) 229-40-75; факс: (+99861) 229-40-75;

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Б.П. Отемуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

**З.К. Курбаниязова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.д., доцент

**Т.Т. Утебаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2014-2023 йилларда халқ табобати соҳаси стратегиясида назарда тутилган тавсиялари, шунингдек, ушбу йўналишда ривожланган давлатлар (Хитой, Корея, АҚШ, Россия ва бошқалар) тажрибаси асосида тайёрланган ўтмишдаги халқнинг даволаш анъаналарини ўрганишдан кўзланган мақсад ёшларнинг саломатлигини таъминлашда халқ табобатининг ролини ошириш, ёшларни халқ табобати мероси негизида соғлом турмуш тарзига тарбиялашда анъана, урф-одат, мерослардаги халқ кундалик турмуш тарзи натижасида орттирган тажрибаларида шаклланган эмпирик билимларни ўрганишга, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантиришга замин яратади. XXI асда янги стратегия – ҳамма учун саломатликни сақлаш ғояси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо 189 мамлакат томонидан қабул қилинди.

МДХ давлатларида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар, саломатликни сақлашга оид санитария-эпидемиология талаблари қабул қилинган бўлиб, уларда ёшлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш вазифаси устувор ҳисобланади. Дунё миқёсида халқларнинг азалий мақсади бўлмиш қадриятларни чуқур ўрганиш, ёш авлодни тарбиялаш ва унинг ижтимоий-педагогик имкониятлар самарадорлигини оширишдаги ўрнини аниқлаштириш, ижобий таъсир даражасини баҳолаш мезонларини классификациялаш, тарбия методларини халқ анъаналари асосида такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқ табобатининг ноёб мероси ва бой тарихий анъаналарини ўрганишни акс эттирадиган илмий изланишлар иқтисодий ва маданий интеграция жараёнларини тадқиқ қилишга хизмат қилади.

Республикамизда ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда халқнинг маданий-тарихий мероси, урф-одат ва миллий қадриятларга асосланган педагогик шакл ва усулларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёшларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашда ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий камолотига кўмаклашиш, уларни зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга қатъий эътиқод ва дунёқарашга эга шахс сифатида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу эса қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарини педагогик механизмларин такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПФ-60-сон, 2018 йил 27 июнь “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон фармони, 2018 йил

<sup>1</sup> 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПФ-60-сон

14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон, 2018 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3968 сон, 2020 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбирини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4668-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-марифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада халқ анъаналарини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, республикада қорақалпоқ халқ анъаналарини таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти У.Алеёв, П.Абдимуратов, К.Алламбергенов, А.Бекимбетова, Г.Бекимбетова, З.Курбанизова, А.Пазылов, М.Пазылова, А.Тилегенов, Т.Утебаев, П.Шылмановларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси педагог олимларидан соғлом турмуш тарзига экологик муҳит таъсири, соғлом турмуш тарзини ташкил этишдаги муаммолар, жисмоний тарбия машғулотлари тарбиявий аҳамияти бўйича Н.Ш.Бозорова, Ф.У.Жуманова, И.Ш.Исмаева, Г.О.Комилова, Р.А.Маликова, Н.Ш.Маннапова, О.Мусурмонова, Н.Ў.Нишонова, М.Б.Раҳимқулова, Х.А.Раҳматова, Р.Г.Салоҳутдинов, Т.Т.Сапаров, В.Н.Саттаров, М.Р.Халилова, Э.Ж.Халмурзаев, С.И.Хусанова, Г.И.Шайхова, Д.Д.Шарипова, Н.М.Эгамбердиеваларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз тасдиқини топган. Саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари ва соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришда ишлатилган Қорақалпоғистон Республикаси доривор ўсимликлар дунёси саломатликни сақлашдаги аҳамияти С.Даўлетмуратов, С.Ережепов, Қ.Ўтениязовлар тарафидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Алдашев, С.Г.Добротворская, Д.А.Изуткин, Т.И.Исаева, И.Ф.Герберт, Н.Г.Гердер, А.П.Лаптев, Ю.П.Лисицин, С.П.Миронова, С.В.Мурашева, Н.В.Осодчая, И.И.Соколов, А.Д.Степанов, Ө.Тилеуқабул улы, К.В.Чедовларни илмий тадқиқотларида халқ воситалари орқали даволаш усуллари, халқ таъбирининг жамиятда тутган ўрни ва ривожланиши, тиббий доришунослик масалалари илмий таҳлил қилинган.

Хорижлик олимлардан Emanuela Esposito, Vincenzo Capuano, Nihal Kadioglu, Gevik Jan Rosh, Kurakaodan Ruchenel Ansanolar томонидан халқ таъбири усуллари илмий жиҳатдан аниқланган.

Мавзу таҳлили шуни кўрсатадики, халқ саломатликни сақлаш

анъаналаридан фойдаланган ҳолда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар таъсирининг заифлиги, халқлар руҳий ҳаётидан узоқлиги, ёшларнинг хулқ-атвorigа, ўзаро муносабатларига таъсири билан изоҳланади. Бундай илмий тадқиқотлар таҳлил қилиш ва шакллантириш амалиёти ўртасидаги бир қатор қарама-қаршиликларни ажратиш кўрсатишга имкон беради: талабаларга таълим ва тарбия бериш амалиётида улар замонавий ҳаёт шароитида пайдо бўлган зарарли одатлар, уйқусиз интернет машғулотлари; саломатликни сақлаш учун биз бир касалликни даволайдиган, аммо организмнинг бошқа функцияларини бузадиган кимёвий препаратларга мурожаат қиламиз, халқ даволаниш усулларига эътибор бермаймиз. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари” мавзуси ўзига хосликларини очиб бериш тарзида танланди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида замонавий таълим ва тарбияни модернизациялаш» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган. (Нукус ДПИ кенгашнинг 2015 йил 28 январдаги 8-сон баённомаси)

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг педагогик жараёни юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий-методик адабиётларни, назарий манбаларни ўрганиш асосида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарини назарий жиҳатдан асослаш;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари асосида тарбиялашнинг усулларин такомиллаштириш;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг моделини ишлаб чиқиш ва натижаларда такомиллаштириш;

ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарига оид экспериментал тадқиқот натижаларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари жараёни танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасалари талабаларида қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг фаоллик кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кузатиш, суҳбатлар, анкета сўрови, савол-жавоб, аналитик обзор, таҳлил, педагогик эксперимент, математик-статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг ижтимоий-педагогик аҳамияти шахснинг маънавий ва

жисмоний фазилатларини ривожлантиришга қаратилган халқ табобатининг устувор йўналишлари (акупунктура, аюрведа, натуропатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт) билан миллий урф-одат ва анъаналарнинг идентивлиги асосида саломатликни сақлашнинг репродуктив-эмпирик тавсифига устуворлик бериш орқали аниқлаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг ташкилий тузилмаси (тўғри овқатланиш, ҳаракатда бўлиш, кун тартибига амал қилиш, руҳий осойишталик, зарарли одатлардан ҳимояланиш, озодалик) қорақалпоқ халқининг этник хусусиятларига устуворлик бериш асосида ёшларнинг жисмоний фаоллиги, бандлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда соғлом насл қолдириш + табиий даволаш маҳсулотларидан фойдаланиш + экологик ва соғлом овқатланиш маданияти детерминантлигини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатишнинг педагогик имкониятлари ва стратегиялари этнопедагогик адабиётлар, фольклор асарлари ва тарихий манбаларни ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий, тиббий-гигиеник, психологик ва жисмоний усуллардан фойдаланган ҳолда фаолиятли ёндашувга устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг модели талабаларга саломатликни сақлашни ўргатишнинг когнитив, мотивацион ва амалий компонентлари ўзаро таъсири интегративлиги орқали халқ саломатлик анъаналарини такомиллаштириш дастури (таркиби, воситалари, усуллари) асосида халқ саломатлик анъаналарининг мазмуни ва педагогик шарт-шароитларига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизими талабалари орасида халқ саломатликни сақлаш анъаналарининг ижтимоий-маданий, педагогик-психологик хусусиятлари, ташкилий тузилмалари аниқлаштирилган;

ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг педагогик имкониятлари, методик вазифалари ва шартлари, саломатликни сақлаш модели педагогик жиҳатдан такомиллаштирилган;

халқ табобатининг доривор ўсимликлари, кимёвий препаратларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тушунчалари асосида ўқув қўлланма яратилган;

ёшларга саломатлик анъаналарини ўргатувчи мултимедиали электрон таълим ресурсини яратишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** ўрганилаётган муаммони кенг қўламда очиб беришда яхлит илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентлар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларида статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, дастлабки назарий тамойилларнинг изчиллиги, тажриба-синов натижалари бўйича асосий назарий таклифлар амалий тасдиқланганлиги,

олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарини илмий тадқиқ қилиш жараёнининг моҳияти ҳақидаги ғоялар кенгайтирилди, таълим жараёнида саломатликни сақлашда халқнинг профилактик даволаниш усуллари, фаоллик кўникмалари аниқланганлиги, ёшлар тарбиясида саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларнинг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари усуллари ва замонавий педагогик шарт-шароитлар билан боғлиқликда услубий тавсиялар, ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари ҳақида мултимедиали электрон таълим ресурси яратилган ва амалиётга жорий этилган. Тадқиқотнинг илмий хулосаларидан қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарин тарғиб қилиш мақсадида махсус курс, семинарлар, тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари асосида:

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг ижтимоий-педагогик аҳамиятини шахснинг маънавий ва жисмоний фазилатларини ривожлантиришга қаратилган халқ табобатининг устувор йўналишлари (акупунктура, аюрведа, натуропатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт) билан миллий урф-одат ва анъаналарнинг идентивлиги асосида саломатликни сақлашнинг репродуктив-эмпирик тавсифига устуворлик бериш орқали аниқлаштиришга ҳамда қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг ташкилий тузилмасини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Organikaliq ximiya” номли ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сонли буйруғи, 500-053-рақамли гувоҳнома). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларида халқ табобати, доривор ўсимликлари саломатликни сақлашдаги аҳамияти, экологик маданиятга эга бўлиш, атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш сингари тушунчаларини мустаҳкамлашга доир топшириқлар тизимини яратишга эришилган;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатишнинг педагогик имкониятлари ва стратегияларини этнопедагогик адабиётлар, фольклор асарлари ва тарихий манбаларни ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий, тиббий-гигиеник, психологик, жисмоний усуллардан фойдаланган ҳолда фаолиятли ёндашувга устуворлик бериш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ПЗ-2014-0829162612-рақамли “Таълим жараёнини ижтимоий-педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб

чиқиш” (2014-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 апрелдаги 02-07-1119/04-сон далолатномаси). Натижада, олий таълим тизими талабаларида саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарини таҳлил қилиш жараёнида саломатликни мустаҳкамловчи педагогик-психологик омилларни аниқлаш имкониятлари яратилган;

қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг моделини талабаларга саломатликни сақлашни ўргатишнинг когнитив, мотивацион ва амалий компонентлари ўзаро таъсири интегративлиги орқали халқ саломатлик анъаналарини такомиллаштириш дастури (таркиби, воситалари, усуллари) асосида халқ саломатлик анъаналарининг мазмуни ва педагогик шарт-шароитларига устуворлик бериш орқали такомиллаштиришга доир тавсиялардан FZ-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” (2014-2018 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 апрелдаги 02-07-1119/04-сон далолатномаси). Натижада, қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари билан боғлиқ, халқнинг яшаш шароитига асосланган даволаш усуллари ва кўринишларидаги дунёқараш тизими асосида соғлом турмуш тарзини ўргатувчи мултимедиали электрон таълим ресурсини яратишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шундан хорижий журналда 3 та ва республика журналларида 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, 130 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг назарий асослари”** деб

номланган биринчи бобида, Қорақалпоқ халқ саломатлик анъаналарининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, ёшлар саломатлигин сақлашнинг ташкилий тузилмалари, педагогик-психологик хусусиятлари илмий таҳлил қилиб ўрганилган. Қорақалпоқ халқ табобатининг тарихий анъаналари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда, касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш бугунги куннинг асосий вазифаси сифатида белгиланмоқда. Бунинг учун «фитотерапия» (шифобахш ўсимликлар билан даволаш усули), «акупунктура» (лотин тилида acus – игна, punctura – санчиш), «аюрведа» (жисмоний маънавий саломатлик), «гомеопатия», «йога» (инсон руҳияти ва физиологияси билан мулоқот), «моксотерапия» (тананинг биологик актив нуқталари орқали даволаш), «натуропатия» (онг ва танани даволаш), «остеопатия» (ҳаракатланиши ва қисқариши мумкин бўлган тўқималар ва органларнинг ҳаракатчанлигининг тикланиши), «термал тиббиёт» (халқ табобатининг йўналиши бўлиб ер қаридан чиқадиган булоқ сувлари билан даволаниш), «хиро-амалиёт» (халқ табобатининг йўналиши бўлиб ҳеч қандай тиббий асбобларсиз дори-дармонларсиз қўл билан даволаш), «цигун» (танадаги энергия ҳаракатига асосланган соғлом гимнастика) каби халқ табобатининг асосий йўналишларини ривожлантириш, амалиётда кенг қўллаш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш ишларида асосий вазифаларни бажаради. Ҳар бир халқ каби қорақалпоқ халқи ҳам ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб шаклланган даволаш анъаналари маълум. Болалиқдан бошлаб одам ўзини, соғлиғига ғамхўрлик қилиб, бу жараёни назорат қилишга ўргатилади. Бироқ бугунги кунда айрим ҳолларда ёшлар энг оддий нарсаларни масалан, овқатланишдан олдин қўл ювиш, тўғри соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик каби ўз танасининг деярли барча аъзолари ва тизимларига қўйиладиган саломатлик анъаналарига камроқ эътибор бермоқда.

Жамиятда ёшлар саломатлигини ташкиллаштиришга тўғри эътибор бериш инсон бахтининг энг муҳим таркибий қисмларидан, муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг етакчи шартларидан ҳисобланади. Ёш авлодни интеллектуал, ахлоқий, маънавий жисмоний ва репродуктив салоҳиятини рўёбга чиқариш фақат соғлом жамиятда мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, саломатлик бу, биринчидан, соғлом бўлиб туғилиш, иккинчидан, касалликлардан соқит бўлиш, учинчидан, жисмонан бақувват соғлом бўлиш, тўртинчидан, ижтимоий саломатлик (тўғри сўзлаш, поклик), бешинчидан, маънавий саломатлик (ўйлаш, фикрлаш) деб тушунтиради. Тиббиёт ва биологияда саломатлик деганда организмнинг табиий ҳолати ҳисобланиб, бу ҳеч қандай касаллик ҳодисаларининг йўқлиги билан тавсифланади. Педагогикада саломатлик инсоннинг ижобий ҳаёт тарзини шакллантиришга йўналтирилган тарбиянинг мазмун ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларини ўз ичига олади.

Халқ саломатлик анъаналари асрлар давомида ҳар бир халқнинг яшаш шароитидаги табиат ҳодисаларида мужассамланган. Қадимда инсонлар

саломатлигини асрашда халқ табибларнинг билим тажрибаларига суянган. Бугунги кунгача халқ табобатидаги табибларнинг даволаш усуллари халқ нақл-мақоллари, дostonлари орқали оғзаки ҳолда етиб келган. «Анъана» сўзи халқ ҳаётида қарор топган ва топаётган удум, урф-одатлар мужассамланган амаллар деган таърифни изоҳлайди. Илмий тадқиқотимиз асосини ташкил қилувчи халқ саломатлик анъаналари қорақалпоқ халқининг қадимий ўтмиш тарихига бориб тақалади. Қорақалпоғистон ҳудуди юксак маданият ўчоғи ҳисобланиб, қадимги Шарқ дунёсининг ажралмас қисмини ташкил этган. Бундай ажойиб заминнинг қулай табиий иқлими, ўсимликлар ва ҳайвонотлар дунёси энг қадимги аждодларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Қорақалпоқ халқининг бой тарихий саломатлик анъаналарини илмий тарафдан ўрганиб, таҳлил қилиш педагогика илмидаги зарур масалалардан бири ҳисобланади. Сабаби халқ ўтмиш тажрибаларида ўз тасдиғини топган саломатлик анъаналарини илмий таҳлил қилмасдан бугунги ноқулай экологик муҳитда ёшларни соғлом турмуш тарзига тарбиялаш қийин масалалардан бири ҳисобланади. Қадим замонларда халқимиз табиатга яқин яшаган, ундаги об-ҳавонинг ўзгариши, фасллар алмашиниши билан кузатиладиган ҳодисалар орқали тажрибалар тўплаган. Тажрибалардан ўзларига хулоса олган ва инсонлар ҳар хил табиат ҳодисаларини тушунишга ҳаракат қилган.

Халқимиз келажак авлод саломатлигини сақлаш қоидаларига гўдак дунёга келганидан бошлаб қайғурган. Дунёга келган гудакнинг соғлом, тетик бўлиб ривожланиши учун қирқ кун тузли сувда чўмилтириб, “пискен сары май” билан бутун танаси мойлаб, силаб-сийпаб “массаж” қилган. Бу давр халқ орасида қирқ кунлик “шилле дэўири” деб номланган. Жаҳон халқлари анъаналарига нисбатан алоҳида таъкидланган муқаддас миллий кадриятлармиз бор. Қорақалпоқ халқи қадимда “уруў” (“уруғ”), “қэўим” (“қавм”) бўлиб яшаган. Битта қавмдаги инсонлар туғушган-қариндошлар ҳисобланиб бир-бири билан турмуш қуриш тақиқланган. Шунга асосланиб аждодларимиз тарбиясида “жети атасын” билиш удуми шаклланган. Болани етти ёшидан бошлаб “жети атасын” ким эканлигини тушунтириб тарбиялаган. Бунинг асосини, биринчидан, келажак авлоднинг саломатлиги бўлса, иккинчидан жисмоний носоғлом, ақли заиф, ногирон авлод дунёга келишининг олдини олишга ёрдам берган. Демак, қадимдан қорақалпоқ халқи болалар, ёшлар, ота-оналар ва бутун жамият саломатлигига нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини яхши англай олган. Халқ саломатликни сақлаш анъаналарида табиий даволаш маҳсулотларига халқ табобати доривор ўсимликлари, мавсумий овқатланиш тартиби, табиатнинг шифобахш неъматлари киради. Бунинг асосини халқ мавсумий ўзгаришлар натижасида таҳлил қилган тасдиғини халқ орасида кузатиловчи “ўш ай қабағым, ўш ай шабағым, ўш ай саўыным, ўш ай қаўыным” каби халқ тарбиявий нақл-мақолларида кузатамиз. Бундай халқ анъаналаридаги тарбиявий таъсирлар ёшларнинг ўйлаш ва фикрлашини ривожлантиради.

Халқ анъаналарида шаклланган бундай иборалар табиатдаги неъматларнинг саломатликни сақлашдаги ижобий таъсирини тушунтиради. Сабаби “ўш ай қабағым” – бу куз фасли тўғри келган сентябрь, октябрь, ноябрь

ойлари, “үш ай шабағым” бунда декабрь, январь, февраль қиш ойлари, “үш ай саўыным” – март, апрель, май баҳор ойлари, “үш ай қаўыным” – июнь, июль, август ёз ойлари ҳақида айтилган бўлиб бунда халқ тажрибалари негизида мавсумий тақсимланган вақтларда ушбу маҳсулотлар таркиби саломатликга фойдали нематларга бой бўлишини исботлаган. Қорақалпоқ халқининг ривожланиш тарихида жисмоний машқлар, халқ ўйинлари инсон саломатлигини сақлашда муҳим ҳисобланган. Турли халқларнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири жисмоний саломатликнинг муҳимлигини тушуниб, ёшлар учун спорт ўйинлари ва мусобақаларини ишлаб чиққан. Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари ҳақида гап кетганда, аввало кўз олдимизга ана шундай машқлар мажмуаси, ўйин ва мусобақалар келади. Қадимдан қорақалпоқ халқининг ҳаёт тажрибаларида шаклланган халқ жисмоний машқлари ва халқ ўйинлари “ат шабыс” (“от чоптириш”), “ылак ойын” (“улоқ ўйин”), “арқан тартыў” (“арқон тортиш”) “шўллик”, “палўанлар гүреси” (“полвонлар кураши”) кабилардан таркиб топган. Бугунги кунда ҳам саломатликнинг асосий қоидаларида жисмоний машқлар биринчи ўринни эгаллайди. Жисмоний халқ ўйинлари қорақалпоқ халқининг ахлоқий ўзаги ҳисобланиб, ёшларни меҳнатга, эзгуликка, баркамолликка тарбиялайди. Юқоридаги илмий тадқиқот манбалари натижасини умумлаштирган ҳолда халқ саломатликни сақлаш анъаналарининг тарбиявий аҳамиятин тавсифловчи таркибий тузилиши:

### 1-жадвал

#### Халқ саломатликни сақлаш анъаналарининг тарбиявий аҳамиятин тавсифловчи таркибий тузилиши

Саломатликни сақлаш анъаналарининг тарбиявий аҳамиятин тавсифловчи таркибий тузилиши	
Биринчи гуруҳ	педагогик таълим муҳотида халқ тажрибасидаги ёшларнинг саломатлигини сақлаш анъаналари ўзига хос профилактикани ўз ичига олади, бу шифокорнинг рецепти бўйича амалга оширилади ва иммунитетни сунъий равишда яратади; бундан ташқари, организмга зарур микроэлементлар ва минералларни олиш учун витамин мажмуасини қўллашни ташкил этади
Иккинчи гуруҳ	касалликнинг олдини олишда халқ табобатининг алоҳида усуллари билан ифодаланади, бу эса, дори-дармонларни қўллагандан, инсон организмга ҳимоя функцияларини мустақил равишда кучайтиришга имкон беради; бунинг учун саломатликнинг ташкилий тузилмаларин тўғри ташкиллаштириш натижаларига организмнинг иммунитет тизимига салбий таъсирни бартараф этиш қоидалари киради
Учинчи гуруҳ	организмни қайта тиклашга қаратилган ташкилий тузилмаларнинг соғлом овқатланиш, кун тартибин режалаштириш, бадан тарбия машқлари, дам олишни тўғри ташкиллаштириш ва организмни тетиклаштиришга асосланган фазилатлар киради

Ҳаракат, жисмоний машқлар ва спорт инсоннинг куч ва қувватини унинг жисмоний сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг асосий воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Барчамиз учун фойдаланиш мумкин бўлган ушбу воситалардан ҳар шахс онгли равишда, ҳеч қандай мажбуриятларсиз фойдаланишни ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Жамиятда саломатликни сақлаш субъектив (шахсий) ва объектив (ижтимоий, биологик) даражалар билан фарқланади.

Ижтимоий маънодаги саломатлик инсоннинг меҳнат қилиши, оилавий ҳолати, касбий қизиқиши ва дам олиш фаолияти билан белгиланади. Ёшлар турмуш тарзида кузатилувчи депрессив ҳолатлар, ҳаракатсиз турмуш тарзи, инсонийлик муносабатларида маънавий-ахлоқий қоидаларнинг бузилиши ижтимоий саломатликга салбий таъсир қилади. Биологик маънодаги саломатликни сақлаш мазмунига: организмнинг жисмоний саломатлик ҳолати; шахсий ва жамоат гигиенаси; соғлом овқатланиш; зарарли одатлардан воз кечиш; ўз туйғулари орқали стресс ҳолатларни енгиш; ижобий фикрлаш ҳолатлари киради.

Бугунги кунда ёшлар саломатлигини сақлашда кузатиладиган салбий оқибатлар: ҳаётда аниқ мақсаднинг йўқлиги, тўғри йўналтирилмаганлиги, тажрибасизлиги, тегишли билим ҳаётдаги фаолиятининг асосий қоидасига айланмаганлиги ёшларда кузатиладиган педагогик-психологик муаммолар сабаби ҳисобланади. Бундай муаммолар саломатликка салбий таъсир қилувчи омилларни келтириб чиқаради.

Ёшларнинг саломатлигига салбий таъсир қилувчи психологик омиллар: ўз саломатлигини тўғри ташкиллаштиришга деган ҳоқичининг етарли бўлмаслиги; носоғлом ҳис туйғулар (ҳасад, ғазаб); онгни қатолар, стрессли вазиятлар узок вақт маҳкамлаши; носоғлом оилавий муҳит; олий таълим тизимида саломатликни сақлашга салбий таъсир қилувчи ҳолатлар; ҳаётдан, ўқишдаги курсдошларидан норозилик; тизимли (интернетга қарамлик) ахборот оқимлари мувозанатининг бузилиши каби ҳолатларни ташкил қилади.

Ёшларнинг саломатлигига салбий таъсир қилувчи ижтимоий омиллар: ҳаёт тарзида зарарли одатларга амал қилиш (спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар); моддий неъматларнинг устуворлиги (мансаб, манфаатдорлик); кундалик ҳаётда кун тартибин тўғри режалаштирмаслик; жамиятда инсонлар билан хулқ-атвор нормаларига амал қилмаслик; сиҳат-саломатликни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг суст иштироки (кўрсатувлар, рекламалар); инсонлар билан мулоқотга кириша олмаслик оқибатидаги ёлғизлик ҳолатлари киради.

Қадимдан ҳар бир халқни келажак авлоднинг саломатлиги ташвишлантирган. Шунинг учун қадимда халқимиз табиат ҳодисаларини ўрганган, ўз тажрибаларида инсонларнинг саломатлигини тетиклаштиришда табиий маҳсулотлардан истеъмол қилган. Халқнинг саломатликни сақлаш анъаналарида табиий даволаш маҳсулотларига халқ табобатининг доривор ўсимликлари, мавсумий овқатланиш тартиби, табиатнинг шифобахш неъматлари ва халқ мусикалари киради.

Қадимда халқ саломатлик анъаналарида йўқимли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида қичитки ўт, янтоқнинг қайнатмасидан,

организмда кузатиладиган дармонсизликларнинг олдини олишда шувоқ, кизилмия томири қайнатмаларидан, буйрак шамоллашларида маккажўхори қайнатмасидан, жигар оғриғида қовоқ шарбатидан истеъмол қилган. Танадаги йирингли яраларни даволашда откулоқ ўсимлигининг япроғидан фойдаланган. Ошқозон оғриғида ялпиз, арпабодиён ишлатган. Вабо, чечак каби вирусли йўқимли касалликлар халқ орасида тарқалган вақтида исиріқ ўсимлигидан дезинфекцияловчи сифатида фойдаланган. Қадимда халқ доривор ўсимликларнинг кимёвий хоссаларин таҳлил қила олмаган бўлса ҳам ҳаётий тажрибалари натижасида соғлом турмуш тарзин мустаҳкамлашга эришган. Доривор ўсимликларнинг таркиби кимёвий органик моддалар алколоидлар, турли гликозидлар, антрогликозидлар, юракка таъсир этувчи гликозидлар, сапонинлар, флавоноидлар, кумаринлар, ошловчи моддалар, эфир мойлари, витаминлардан таркиб топган. Айрим доривор ўсимликлардан микроорганизм ва вирусларни йўқотадиган антибиотиклар тайёрланади. Бугунги кунда илмий тиббиётта ишлатилиб келаётган ўсимликларнинг аксарияти қадимий халқ табobati тажрибасидан ўтказилган.

Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино “Ал-Қонун” асарида зиранинг гижжани йўқотувчи, ичак оғриғини енгиллаштирувчи малҳам эканлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Халқнинг саломатлик анъаналарида зира сурункали меъда яллиғланиши, жигар ва буйрак касалликларини даволашда ишлатилса, замонавий тиббиётда унинг мевасидан тайёрланган гален дориси қонни тўхтатишда, оғиз бўшлиғи яллиғланиши (стоматит), гипоацид (меъда ширасининг пастлиги), гастрит, ўт йўллари даволашда тавсия этилади.

Инсон хафа бўлганида тушкунликка тушиши натижасида организмда салбий ўзгаришлар кузатилади. Бунинг натижасида ҳар хил психологик касалликлар келиб чиқади. Халқ қадимда инсон организмда кузатилувчи тушкунлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мусиқадан фойдаланган. Ҳар хил маросимларда “қобиз”, “датор” асбобларидан тараладиган куйларни жамоа бўлиб тинглашни одат қилган. Халқ бундай куйлар инсон саломатлигига ижобий таъсир қилишини билиб кейинчалик психологик касалликларни даволаш усулига айланган. Бугунги кунда Россия Федерациясида мусиқанинг шифобахш хусусиятларин ўрганиш бўйича ихтисослаштирилган марказ ва Давлат илмий-тадқиқот институти мавжуд. Хитой, Ҳиндистон, Миср, Греция, Франция давлатларида бугунги кунда ҳам турли психологик касалликларда мусиқа билан даволаш усуллари мавжуд. Мусиқанинг саломатлик билан биргаликда ёшларга эстетик тарбия беришда ҳам роли беқиёсдир ва ўқишга деган тўғри педагогик йўналтириш ҳисобланди.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларнинг саломатлигини сақлаш ва ривожлантиришда жисмоний машқлар, турли халқ жисмоний ўйинлари муҳим ўрин тутди. Турли халқларнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири жисмоний саломатликнинг муҳимлигини тушуниб, ёшлар учун спорт ўйинлари ва мусобақаларини ташкиллаштирган.

Ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари ҳақида гап кетганда, аввало, кўз олдимизга ана шу машқлар мажмуаси, ўйин ва

мусобақалар келади. Қадимий қорақалпоқ халқининг жисмоний саломатлик маданиятининг асосини улоқ ўйинлари ва от минишларида кузатамиз. Ҳозирги вақтда халқнинг даволаш анъаналарида маданий кадриятлар ва меъёрлар асос бўлиб, унинг чўққиси фазилатлар тизимига асосланган индивидуал инсон хатти-ҳаракати ҳисобланади. Демак, халқ педагогикасида ёшларнинг саломатлигини сақлаш анъаналари ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзидан, маданиятидан келиб чиқиб тарбиясида шаклланган тушунча ҳисобланади. Педагогик таълим тизимида ёшлар саломатлигини сақлаш замонавий ҳаёт шароитлари томонидан белгилаб қуйилган ҳаракат, мулоҳазалар, хулқ-атвор намуналари ва ўз-ўзини баҳолаш мажмуаси сифатида қаралади.

Диссертациянинг «Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг амалий педагогик шарт-шароитлари» деб номланган иккинчи бобида қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатишнинг педагогик имкониятларин, моделин, методикаларин такомиллаштиришда фаол муносабатда бўлишга ўргатиш ва уларда соғлиқ табиат томонидан инсонга берилган энг катта кадрият эканлигини тушунишни тўғри ташкиллаштириш муҳим ҳисобланади. Қорақалпоқ халқ анъаналарида шаклланган ахлоқий меъёрларига мақсад ва воситаларига бўлган талаблари, халқ оғзаки ижоди, ривоятлар, дostonлар, маталлар, мақоллар, топишмоқлар киради. Булар халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган ёдгорликларидан ҳисобланади. Уларда халқ асрлар давомида ижтимоий-тарихий тажрибасини умумлаштирганлар. Халқ тажрибаларида шакллантирилган халқ донишмандлиги ёшларнинг саломатлигини сақлашда тарбиявий самарали натижа беради. Халқ саломатлик анъаналари тарбиявий аҳамиятга эга бўлган халқ нақл-мақолларни ҳар хил фанларни ўқитиш жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда, машғулотларда, турли хил соғлиқни сақлаш тадбирларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёшлар саломатлигини сақлашнинг педагогик имкониятлари “Аўырса ким азбайды, жарлы болса ким тозбайды”, “Ас адамның арқаўы”, “Азғана кўйикти ас басады”, “Ат жўйригин тўлки сўймес, аўрыў адам кўлки сўймес”, “Аўрыў қәдирин саў билмес, аш қәдирин тоқ билмес”, “Аўрыў жан ийесине татлы”, “Аўырсынған азап көреди”, “Аўрыў өле-өлгенше жаннан тәме қылады”, “Аўрыў батпанлап киреди, мысқаллаб шығады”, “Саўлық болса беглик табылар”, “Жақсы ас жаман аўрыўға ем”, “Сынықтан басқаның бәри жуғады”, “Ден саўлық терең байлық”, “Ерте жатып ерте тур, бөдениң болсын саламат” сингари нақл-мақолларда акс эттирилган.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг олтига асосий таркибий қисмлари такомиллаштирилди: биринчи – тўғри овқатланиш бўлиб, кундалик истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларни организмнинг физиологик, биологик талаблари асосида танлаш ва истеъмол қилиш; иккинчиси – доимо ҳаракатда бўлиш, жисмоний фаоллик; учинчи – кун тартибин ва ишни биологик режим асосида ташкил қилиш; тўртинчи – руҳий осойишталикни таъминлаш; бешинчи – ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик сингари зарарли одатлардан

тийилиш; олтинчи – озодалик, орасталикга риоя қилиш, атроф-муҳитга муносабат масалалари ҳисобланади.

Қадимий халқнинг даволаш анъаналарида ёшларнинг саломатлигини тўғри ташкиллаштиришнинг етакчи омили сифатида асосий ҳаракат организмнинг функционал ривожланиши ва гигиена талабларига риоя қилиш эди. Бироқ кейинги йилларда ривожланиш тенденцияларининг кучайиши натижасида бир қатор салбий омиллар ва, биринчи навбатда, зарарли одатларнинг кенг тарқалиши, турмуш шароити ва тўғри овқатланмаслик ёшлар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Ёшларни саломатликни сақлашга ўргатишнинг педагогик имкониятларин такомиллаштириш таълим-тарбия тизимида саломатликнинг кўламини кенгайтириш заруриятини келтириб чиқарди. Ушбу муаммони ҳал қилиш ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний машқларни, ижтимоий-экологик ёндашувларни ўрганишни ташкил этиш орқали ташқи муҳит ва турмуш тарзи ривожланишида ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Илмий таҳлил натижасида халқнинг саломатлик анъаналарига бўлган билим тажрибалари, самарали мотивлари ёшлар орасида тўғри ташкиллаштирилмаганлиги аниқланди. Кўпчилик ёшлар чекиш, ичиш ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш зарарли эканлигин биледи лекин бу одатлардан воз кеча олиши қийин. Таҳлил натижалари негизида талабалар орасида тренинг машқларин ташкиллаштириб халқ саломатлик анъаналари ҳақида қатор ишлар олиб борилди.

Натижада, талабалар халқнинг даволаш усуллари, воситаларин ўз саломатлигини асрашдаги аҳамиятин тўғри англай олиш билимларин тўплаб, қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга саломатликни сақлаш анъаналарини ўргатиш модели яратилди (1-расмга қаранг). Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга саломатликни сақлаш анъаналарини ўргатиш моделини ишлаб чиқиш жараёнида биз ёшлар таълим-тарбиясида халқ саломатлик анъаналарининг тарбиявий аҳамиятларини ўрганиб чиқдик ва ҳаёт сифатини тавсифловчи жиҳатлар бўйича уларнинг соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш даражасин аниқладик. Халқнинг саломатликни сақлаш анъаналарини тарбиявий жараёнда тўғри ташкиллаштириш орқали ёшларнинг организмида ва ҳаёт фаолиятида фаоллик натижалари кузатилди. Бунинг натижасида саломатлик анъаналари негизида соғлом турмуш тарзининг саморадорлигини назарий асослаш ва экспериментал равишда кўрсатиш вазифаларини шакллантиришга олиб келди.

Ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг моделини яратиш куйидаги вазифаларни шакллантиришга олиб келди: қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг мазмун моҳиятини аниқлаш, саломатлик маданиятини шакллантириш; халқ табобати анъаналари асосида кимёвий препаратларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; саломатлик анъаналарини баҳолашни диагностика қилишдан иборат.



**1-расм. Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга саломатликни сақлаш анъаналарини ўргатиш модели**

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналари модели асосида саломатлик анъаналарига оид тестлар, кейслар, кроссвордлар, ечиш билан тажрибада таҳлил қилинди янада “Сиз саломатлик анъаналарига тўғри амал қиласизми” номли тренинг машқи ўтказилди ва хулосалар таҳлил қилинди. Тренинглар натижасида талабалар саломатлик анъаналарини тўғри таҳлил қила олиш кўникмалари такомиллаштирилди: турли хил овқатлар (ёғли, аччиқ, қовурилган, шўр, ширин) қандай таъсир қилишни билди ва овқатланишнинг тўғри ташкиллаштиришни билим, тажрибалари натижасида англаб етти; турли хил халқларнинг тиббий даволаш усулларин, халқ табобатининг доривор ўсимликларин амалиётда тўғри қўллай олиш тажрибалари; атроф-муҳитнинг соғлом турмуш тарзига тегишли бўлган педагогик шарт-шароитлари аниқланди; жисмоний машқлар, эрталабки бадан тарбиянинг саломатлик фаолиятига таъсирлари ўрганилди.

Ёшларнинг саломатлик ҳолатини диагностика қилиш соғлиқни сақлаш хизмати томонидан амалга оширилади ва талабанинг тиббий дафтарида қайд этилади. Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг таълим фаолияти куйидагилар орқали амалга оширилади: халқ табобати воситаларининг мазмуни ва халқ табобати тажрибаси; таълим жараёни мазмунига саломатликни мустаҳкамлашнинг анъанавий усулларин киритиш; ёмон одатларни бартараф этишда педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш; халқ табобати тажрибасига таянган ҳолда ота-оналар билан ўзаро муносабат.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни саломатликни сақлашга ўргатиш анъаналарининг асосий фаолияти халқ педагогикаси, саломатлик, одоб-ахлоқ, жисмоний тарбия, халқ табобати доривор ўсимликлари дарсларини ўқитиш жараёнида шунингдек маъруза, амалий, семинар машғулоти тизими орқали амалга оширилади.

